

1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“YANGI ANGREN ISSIQLIK
ELEKTR STANSIYASI” АЖ

Ягона акциядорнинг

2025 йил «05» 09 даги

3/2025 сонли баённома қарори билан

2. Дивиденд сиёсати – Жамиятнинг фойдали ишлатилишга қараган ҳисоб сиёсати бўлиб, дивидендларни тўлаи миқдорини асослаб, Жамият ва унинг акциядорнинг манфаатлари мувофиқлиги таъминланган. Жамиятнинг дивиденд сиёсати ягона акциядорнинг ишончдоранасини қамраб олади ва ҳаққонлиқ ва адолатчиликни қамраб олади. Жамият ва ўз иккиликдан ягона акциядорни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати ҳақида ҳақдор қилган.

“YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

3. Жамият капиталлаштуруни ўзининг акциялардан даромад олишда ягона акциядорнинг асосий асосларини қамраб оlishнинг асосий усули сифатида қарайди. Дивиденд сиёсати акциядорнинг бозор қиймати ва оширини мақсадлари. Жамият истеъмол қилинаётган фискал оптимизацияларини ва акциядорнинг бозор қийматини баъзири мақсадлари. Жамият ошган фойда акциядорнинг капиталлаштуруни асослар.

4. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланган:

- адолатчилик тамойили. Бунда дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этган таъсирларнинг мажбуриятлари ва жазобгарлиги тўғрисидаги, бу жумладан, дивидендлар тўлови ва мажбурият хусусида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари борадорлиги ҳақдорларини асослари ва ошқан ошган назарда тутилган;

- ўз мақсадлари тамойили. дивиденд тўловларини амалга ошириш чоғида ҳақ қиёраларини ўрнатилиш назарда тутилган;

- асосланганлик тамойили. бу дивидендлар тўлови ва мажбурият тўғрисидаги қарор, фискал Жамият ривожланишнинг режалари ва унинг

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар, “YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги № 9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Дивиденд сиёсати – Жамиятнинг фойдани ишлатишига қаратилган сиёсат бўлиб - дивидендларни тўлаш миқдорини аниқлашда Жамият ва ягона акциядорнинг манфаатлари мувозанатини таъминлашга асосланган. Жамиятнинг дивиденд сиёсати ягона акциядорнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга ва капиталлашуви таъминлашга қаратилган. Жамият ва ўз мақсадини ягона акциядорни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати ҳақида хабардор қилади.

Дивиденд - Жамият фойдасининг қисми бўлиб, ягона акциядорга тўлаш учун йўналтирилади.

Агар Жамият ягона акциядорига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ қайсидир масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари билан Жамият устави ва ушбу Низом билан тартибга солинмаган бўлса, ундай тақдирда улар ягона акциядорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб ҳал қилинмоғи лозим.

3. Жамият капиталлашувнинг ўсишини акциялардан даромад олишда ягона акциядорнинг мулкӣ қизиқишини қондиришнинг асосий усули сифатида қарайди. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият истеъмол қилинадиган фарқни оптималлаштириш ва акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият олган фойда қисмининг капиталлашувидан иборатдир.

4. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- шаффофлик тамойили, бунда дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги, шу жумладан, дивидендлар тўлови ва миқдори хусусида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари борасидаги ахборотларни аниқлаш ва ошкор этиш назарда тутилади;

- ўз вақтидалик тамойили, дивиденд тўловларини амалга ошириш чоғида вақт чегараларини ўрнатишни назарда тутади;

- асосланганлик тамойили, бу дивидендлар тўлови, ва миқдори тўғрисидаги қарор, фақат Жамият ривожлантириш режалари ва унинг

инвестициявий дастурларини инобатга олган ҳолда, ижобий молиявий натижаларга эришилган тақдирдагина қарор қабул қилиниши мумкинлигини англатади;

дивидендларни тўлаш ва тўлаш тўғрисида қарор фақат Жамият молиявий ҳолатига қараб ривожланиш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда ижобий молиявий натижага эришган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин;

- изчиллик таъминлаш, дивиденд сиёсати процедуралари ва таъминлашнинг ижро этилишини англатади;

- ривожланиш таъминлаш, корпоратив бошқарув процедураларини яхшилаш ва Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан унинг қоидаларини қайта кўриб чиқиш доирасида дивиденд сиёсатини доимий такомиллаштиришни кўзда тутаяди;

- барқарорлик таъминлаш, Жамиятнинг дивиденд тўловларининг турғунлик даражасини таъминлашга интилишини англатади.

5. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига Жамиятнинг ягона акциядори эга.

6. Ўзлаб қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг мажбурияти ҳисобланади. Жамият ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун ягона акциядор олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қуйидаги акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган;
- Жамият балансига сотиб олинган ва/ёки пул тўлаб қайтариб олинган;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

7. Агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса, ва/ёки жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

2. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

8. Жамият молиявий йилнинг натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда 7 банд мустасно.

Дивидендлар жамиятнинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашувининг олдини олиш учун дивидендлар учун маблағ айланмасидан олиниши натижасида Жамият фойда ҳисобидан захира фондини ташкил қилади, ва ҳар йили Жамиятнинг соф фойдасининг камида 5 фоизи ажратади. Шу билан бирга, Жамият ихтиёрида тақсимланганидан кейин қолган фойда, Жамиятнинг капиталлашувини ошириш учун қайта инвестициялаш учун ишлатилади.

9. Жамиятнинг ягона акциядори ҳар бир тоифадаги акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул (эълон) қилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятнинг ягона акциядори акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар тақдим этади. Дивидендлар миқдори кузатув кенгаши томонидан тавсия этилганидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

10. Дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарор (эълон) билан қуйидагилар аниқланиши лозим:

- акцияларнинг улар бўйича дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) тоифаси (тури)ни;
- муайян тоифадаги битта акцияга тўланадиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда дивиденд миқдорини;
- дивидендлар тўлаш муддати ва тартибини.

11. Ягона акциядор йиғилишига барча турдаги акциялар бўйича тавсия этиладиган дивидендлар миқдори кузатув кенгаши томонидан қуйидаги омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- тегишли давр учун солиқлар ундирилгандан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган БҲМС бўйича соф фойда миқдорини;
- келгуси даврлар учун Жамиятнинг молиявий-хўжалик режасини;
- Жамиятнинг тегишли давр охирида муомалада бўлган воситалари тузилишини;
- Жамиятнинг тегишли давр охиридаги қарзидан.

12. Тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини аниқлаш чоғида кузатув кенгаши Жамиятнинг келгуси даврларга мўлжалланган молиявий-хўжалик режаларини, Жамиятнинг муомалада бўлган воситалари ва мажбуриятларининг жорий ва истикболдаги ҳолатини эътиборда тутмоғи лозим. Жамият ягона акциядори кузатув кенгаши томонидан тавсия этиладиган дивидендлар тўлови, Жамият томонидан келгуси даврлар учун тасдиқланган молиявий-хўжалик режасида кўзда тутилмаган қўшимча қарзга оид молиялаштиришлар жалб этилишига олиб келмаслиги лозим.

3. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

13. Жамият дивидендларни пул воситалари билан ёки тўловнинг бошқа қонуний воситалари билан ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Ёлон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

14. Дивидендларни тўлаш муддати ягона акциядори қарори билан белгиланади, бироқ ягона акциядор томонидан дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги лозим.

15. Агарда Жамиятнинг қимматли қоғозлари эгалари қўшиб ҳисобланган дивидендларни ягона акциядори томонидан белгиланган муддатларда ололмаган бўлсалар, Жамият бундай (олинмаган) дивидендларни тўлашда давом этади. Олинмаган дивидендларни тўлаш даври Жамият томонидан ёлон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятини ижро этиш муддати тугаган санадан бошлаб уч йилдан ошмаслиги лозим. Олинмаган дивидендлар учун фоизлар қўшиб ҳисобланмайди ва тўланмайди.

16. Дивидендлар ягона акциядори томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

17. Жамиятнинг молия-иқтисодий бўлими ушбу Низомда кўзда тутилган ҳолда Жамият томонидан дивидендлар тўлашни ташкил этиш бўйича барча тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва амалга оширади.

18. Ягона акциядори Жамиятга акциялари бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби, дивидендлар миқдорини ҳисоблаш ва солиққа тортиш тартиби ва тўлов шартлари тўғрисида маълумот сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

19. Дивидендни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, Жамиятнинг акциялари бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқига фақат ягона акциядор эга.

20. Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

21. Агарда акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиш манзилини нотўғри кўрсатган бўлса ёки кўрсатиб ўтилган реквизитлар ҳақида Жамиятга хабар бермаган бўлса ёхуд улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган бўлса, булар туфайли акциядорга етказилган зарарлар учун Жамият жавобгар ҳисобланмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабаблар туфайли акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Жамиятга қайтарилгандан сўнг, уларни акциядорга аниқлаштирилган реквизитлар бўйича такрорий ўтказиш уларни қайтариш ва такрорий ўтказиш учун кетган харажатлар ушлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

22. Жамият ягона акциядорга ўзига тегишли акциялар бўйича даромадларни тўлаш чоғида солиқ агенти ҳисобланади ва қўшиб ҳисобланган дивидендларни тўлашни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар учун ўрнатилган солиқларни ушлаб қолган ҳолда амалга оширади. Ўзига нисбатан солиққа тортишнинг стандарт ставкалари қўлланилмайдиган акциядор, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга (унинг тарафидан жалб этилган тўлов агентига) тақдим этади. Агар акциядорга нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкалари тўғрисидаги маълумотлар Жамиятга (тўлов агентига) унга дивидендлар тўлангандан сўнг келиб тушган бўлса, ортиқча тўланган солиқни қайтариш Жамият (тўлов агенти) томонидан амалга оширилмайди.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛОВИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

23. Жамият ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

24. Жамият ягона акциядорига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш учун Жамиятнинг Ижроия органи - Бош директори жавобгар ҳисобланади. Ижроия органи - Бош директори ҳаракатлари устидан назорат органи Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

25. Ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида Жамият кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендлар тўловининг (амалга оширилиши) бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқади. Жамият Ижроия органи раҳбарининг айби билан дивидендлар тўлиқ ёки ўз вақтида тўланмаган тақдирда Жамият кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлиги чораларини белгилайди ва тегишли санкциялар қўллайди ёки уларни қўллашни бошлайди.

26. Жамият томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, ягона акциядор ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

27. Дивидендлардан солиқ ушлаб қолиш ва ўтказиш юзасидан Жамият зиммасига юклатилган солиқ агенти мажбуриятларини бажармаганлик ёки муносиб тарзда бажармаганлик учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавоб беради.

5. АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ

28. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият томонидан Жамиятнинг интернет тармоғидаги веб-сайтида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган муддатларда ошкор этилади.

29. Жамият ягона акциядори йиғилиши натижалари бўйича ахборотни аҳамиятли фактлар тўғриси хабарлар шаклида қонунчиликда кўзда тутилган муддатларда ошкор этади.

30. Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини ижро этганлик фактига доир тегишли ахборотни Жамият аҳамиятли фактлар тўғриси хабарлар шаклида қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатларда ошкор этади.

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

31. Ушбу Низом Жамият ягона акциядорининг қабул қилган қарорига биноан тасдиқланади.

32. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият ягона акциядорининг қабул қилган қарорига биноан тасдиқланади.

33. Агарда мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ва/ёки Жамият Устави билан зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар мазкур моддалар билан тартибга солинувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига асосида иш кўриш кўрилади.